

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА МИКРОБИОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ 14.07.2016.В.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЗАЙНИТДИНОВА ЛЮДМИЛА ИБРАХИМОВНА

**ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН КОНЛАРИНИНГ КАМ МИҚДОРДАГИ
СУЛЬФИД МАЪДАНЛАРИГА ФИЛЬТРАЦИОН ИШЛОВ
БЕРИШНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология
(биология фанлари)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2016

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Зайнитдинова Людмила Ибрахимовна Гарбий Ўзбекистон конларининг кам микдордаги сульфид маъданларига филтрацион ишлов беришининг микробиологик технологияси.....	3
Зайнитдинова Людмила Ибрахимовна Микробные технологии фильтрационного выщелачивания бедных сульфидных руд месторождений западного Узбекистана	33
Zaynitdinova Lyudmila Ibrahimovna Microbial technologies of filtrational leaching of base silphide ores of deposits of the western Uzbekistan.....	63
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	90

ЗАЙНИТДИНОВА ЛЮДМИЛА ИБРАХИМОВНА

**ҒАРБIIЙ ЎЗБЕКИСТОН КОНЛАРИНИНГ КАМ МИҚДОРДАГИ
СУЛЬФИД МАЪДАНЛАРИГА ФИЛЬТРАЦИОН ИШЛОВ
БЕРИШНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология
(биология фанлари)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2016

3

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № 14.07.2016/В2016.3.В35 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Микробиология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ik.bio.nyu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Арипов Таҳир Фатихович

биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар: Мавлоний Машхура Игамовна

биология фанлари доктори, академик

Давранов Кахрамон Давранович

биология фанлари доктори, профессор

Ахунов Али Ахунович

биология фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот: Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ва Микробиология институти ҳузуридаги 14.07.2016 й. 01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2016 йил 29-ноябр куни, соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет-4 кўч., Ўзбекистон Миллий университети, Биология факультети мажлислар зали. Тел. (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; (+99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Мазмунрий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел. (+99871) 236-46-55; факс: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2016 йил 14-ноябр куни тарқатилди.
(2016 йил 14-ноябр даги 15 рақамли респстр бўлинмаси)



Г.Н. Джуманизова
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

З.А. Маматова
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н.

Т.Г. Гулямова
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда сульфид маъданларини қайта ишлаб, рангли металллар ва уранни олиш учун бактериал суюкликда эритиб ажратиб олиш танилган усул ҳисобланади. Бу

усулда маъданларни қайта ишлаш бошқа усулларга караганда экологик, иқтисодий томондан жуда ҳам самарали ҳисобланади. Балансланмаган мис ва уран маъданлари ва қатламларидан АҚШ, Канада, Болгария, ЖАР ва бошқа давлатларда саноат даражасида бактериал суюқликда эритиб ажратиб олишни уюмли ва ер остидан металлларни ажратиб олишда қўлланилади¹.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан бошлаб кон-металлургия соҳасини ривожлантириш, жумладан сульфидли маъданлардан қимматбаҳо металлларни ажратиб олишнинг биотехнологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Бу борада сульфидли маъданларни қайта ишлаш учун микробиологик усуллар ишлаб чиқилиб, ва бу типдаги маъданлардан қимматбаҳо металлларни юқори даражада ажратиб олишга геохимёвий фаол, темир оксидловчи ацидофил микроорганизмлар ассоциацияси олинганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Дунё миқёсида маъданларни гидрометаллургия услубларига муқобил бўлган бактериал суюлтириш йўли орқали ажратишнинг муҳимлиги кундан кунга ошиб бормоқда. Микроорганизмларнинг субстратга таъсирини, йўналтирилган популяциялардан фойдаланиш, маҳаллий маъдан спецификасига боғлиқ, микроорганизм-маъдан тизимида биогеохимёвий реакцияларнинг рўй беришини ўрганиш алоҳида долзарбликни касб этади. Уюмли олтин сульфид маъдан ва ер ости ҳудудида урани суюқликда эритиб ажратиб олишда мукамал ва максимал филтрацион биологик суюқликда эритиб ажратиб олиш имконини беради. Шу сабабли, маъданларни микробиологик қайта ишлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб вазифа ҳисобланади ва илмий-амалий ҳамда экологик аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 августдаги 216-сон «Давлат экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги», 2014 йил 27 октябрдаги 295-сон «Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ

¹SchippersA, Hedrich S, et al. Biomining: metal recoveryfromoreswithmicroorganisms. *AdvBiochemEngBiotechnol.* 2014;141:1-47. doi: 10.1007/10_2013_216.

хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Сульфид маъданидан металлларни ажратиб олиш жараёнида автотроф ацидофил микроорганизмларидан фойдаланишга йўналтирилган илмий

изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Department of Biological Sciences, University of Southern California (АҚШ), Department of Physics, Northern Arizona University (АҚШ), Geomicrobiology, Federal Institute for Geosciences and Natural resources (Германия), School of Biological Sciences, University of Wales (Буюк Британия), Department of Microbiology, University of Stellenbosch (Жанубий Африка), Россия Фанлар академияси Микробиология институти, Москва пўлат ва қотишмалар институти, Геология қидирув илмий–тадқиқот маркази рангли ва қимматли металллар институти, Россия Фанлар академияси Биофизика институти (Россия), Микробиология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Сульфид минераллари биодеструкциясига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: турли хил микроорганизмлар гуруҳида генетик таърифи тасдиқланган (Department of Biological Sciences, University of Southern California, АҚШ); ацидофил микроорганизмлар генетик таҳлил маълумотларига кўра таснифланган ва минераллар бактериал оксидланишининг айрим аспектлар механизми аниқланган (School of Biological Sciences, University of Wales, Буюк Британия); сульфид маъданидан металлларни ажратиш учун саноатда микроорганизмларни қўллаш усуллари ишлаб чиқилган (Department of Microbiology, University of Stellenbosch, Жанубий Африка); термофил микроорганизмларнинг фенотипик ва генотипик ўзига хос хусусиятлари аниқланган (Россия Фанлар академияси Микробиология институти, Россия).

Дунёда металлларни микробли суюқликда эритиб ажратиб олиш бўйича бир қатор жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: табиатда маъданга оид турли хил микроорганизмлар кенг аниқланиши; рангли, асл ва нодир металлларни суюқликда эритиб ажратиб олиш ва сульфид минераларининг оксидланиш жараёнида микроорганизмлар ролини аниқлаш; металлларни ажратиб олишни ошириш учун янги мўтадил термофил ацидофил микроорганизмларни саноатда қўллаш усуллари ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнги йилларда геологик микробиология тез авж олиб ривожланиши кузатилмоқда. Кўпгина тадқиқотлар сульфат ва металл ионлари сульфидлар оксидлашнишида иштирок этиши микроорганизмларни ўрганишга бағишланган (Johnson D.B.,

2

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.ibp.ru/labs/hab.php>; <http://www.tsnigri.ru>; Uranium – Past and Future Challenges, B.J. Merkel and A.Arab, Eds./2015, International Journal of Research in Environmental Science and Technology 5(1)/2015 ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

6

Gericke M., Hallberg K.B. Schippers A. Заварзин Г.А., Каравайко Г.И., и др.), янги ажратиб олинган микроорганизмлар яъни *Ferroplasma cupricumulans sp. nov.* фенотипик ва генотипик ўзига хос хусусиятлари ўрганилган (Hawkes R.B., Franzman P.D. et al), *Ferroplasma acidiphilum gen.nov.,sp.nov.* (Пивоварова Т.А.,

Кондратьева Т.Ф. ва бошқ.), *Sulfobacillus thermotolerans sp.nov.* (Богданова Т.И., Цаплина И.А. ва бошқ.), *Sulfobacillus disulfidooxidans sp. nov.* (Dufrense S., Bousquet J. et al), *Sulfobacillus thermoferrooxidans sp. nov.* (Головачева Р.С. ва бошқ.), *Sulfobacillusibiricus sp. nov.* (Меламуд В.С., Пивоварова Т.А. ва бошқ.), шунингдек, бу микроорганизмларни амалиётда қўлланилиши ўрганилган (Rawlings D.E. et al; Norris P.R. et al).

Суюкликда эритиб ажратиб олиш механизми батафсил ўрганилган (Schippers A., Sand W. Gehrke T., Tributsch H. et al).

Табиатда хилма хил маъдан микроорганизмлари кенг аниқланишига қарамадан, уларнинг турли конларда тарқалиш қонунияти етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли, фаол геохимёвий микроорганизмларнинг суюкликда эритиб ажратиб филтрлашдаги ва мухит ўзгарувчан омилларининг микроблар туркуми қонунияти ҳаракатидаги роли ўз долзарблигини йўқотмайди ва ҳозирги замон микробиология ва биотехнологиясининг асосий йўналишлардан бири бўлиб қолади.

Илмий адабиётларда қийин парчаланувчи уюмли сульфид маъданларини микроорганизмлар ёрдамида суюкликда эритиб ажратиб олиш муаммосига бағишланган бир қанча маълумотлар келтирилган. Улардан қўпчилиги технологик параметрларни ишлашига тегишли бўлиб, шу билан бир вақтда микробиологик жиҳатига кам эътибор берилган.

Охирги йилларда бир қатор тадқиқотчилар томонидан маъдандан урanni суюкликда эритиб ажратиб олишда тион бактерияларининг таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар олиб борилган. Бироқ, ушбу жараённинг бориши учун оптимал шароитларни аниқлашга йўналтирилган бир қатор масалалар очиқ қолмоқда.

Шуни таъкидлаш кераки, урanni ҳамда олтинни уюмлардан ажратиб олиш усули учун *A.ferrooxidans* бактериясини қўлланилишини ўрганиш бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтгача ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Микробиология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 5Ф - «Экстремал экотизимда ва сульфид хом-ашёси парчаланиши жараёнида микроорганизмларнинг ривожланиш биогеохимёвий қонуниятлари» (2000–2002); Ф-4.1.18.-«Сульфид маъданисуюкликда эритиб ажратиб олиш шароитида микроорганизмларнинг экологик хилма хил ривожланиши» (2003–2006), фундаментал лойиҳалари ҳамда №2/20 «Микроорганизмлардан фойдаланиб ер остидаги урanni суюкликда эритиб ажратиб олиш. Саноат-тажриба синовларини ўтказиш» (2000-2001); № 5/01 «Дастлабки сульфидларни оксидланиш билан Кокпатас рудасидан олтин

олиш технологиясини яратиш тадқиқот ишларини ўтказиш» (2001-2003); №8/03 «Марджанбулак конида сульфид маъдани биооксидлаш лаборатория тадқиқотларини ўтказиш» (2003–2005); №11/06 «Ер ости ишлатилган

блоклари конида урани олишдан олдин бактериал эритмалар билан суюлтириб ажратиб олиш бўйича тажриба ишларини олиб бориш» (2006-2007); №22/09 «Ер ости ишлатилган блокларидан урани олишдан олдин бактериал эритмалар билан суюлтириб ажратиб олиш бўйича тажриба ишларини олиб бориш» (2009-2011) Навоий кон металлургия комбинати билан ҳамкорликда ҳўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таркибида олтин бўлган хом-ашё уюм шароитда суюқликда эритиб ажратиб олишда микроорганизмлар ривожланишини аниқлаш, ҳамда *Acidithiobacillus ferrooxidans* бактериясини жадаллаштириш жараёни учун қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олтин маъдани ва уранли конларда микроб экотизимларини ўрганиш; сульфид маъданини биооксидлашда устун бўлган микроорганизмлар культурасини аниқлаш ва уюмларда суюқликда эритиб ажратиб олиш жараёнида микроорганизмлар сукцессиясини ўрганиш;

урани ер остидан суқликда эритиб ажратиб олишда ажратиб олинган эритманинг микробиотасини текшириш;

металлар ионларининг микроорганизмлар оксидланиши фаоллигига таъсирини аниқлаш. Муҳитда юкори концентрацияли металлар ионлари таъсирида микроорганизмлар ҳўжайраларида содир бўлаётган ўзгаришларни кузатиш;

биооксидлаш жараёнида сульфидларнинг микробиологик парчаланишини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

таркибида олтин бўлган маъданларни суюқликда эритиб ажратиб филтрлаш лаборатория тадқиқотларини олиб бориш ва сувда эрувчан полимерларни суюқликда эритиб ажратиб олишда қўлланиш имкониятини кўрсатиш;

таркибида олтин бўлган сульфид маъдани бактериал оксидланиш тажрибаларини суюқликда эритиб ажратиб филтрлаш шароитини ярим саноатда ўтказиш;

ер остида суюқликда эритиб ажратиб олиш жараёнида бактериал эритмаларни қўллаш имкониятларини лаборатория шароитида текшириш; «пушпул» режимида ер ости суюқлигига ишлов берилган бактериал эритмаларни табиий шароитларда қўллашни ишлаб чиқиш; ер ости урани суюқликда эритиб ажратиб олишда ишлов берилган блокларида (СЭАО) микроорганизмлардан фойдаланиб саноат тажриба синовларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олтин таркибли сульфид маъданига эга Кокпатас кони, ҳамда уран таркибли маъданга эга бўлган Бешкак ва Кетмончи конлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида суюқликда эритиб ажратиб олиш жараёнида темирни оксидловчи ацидофил бактериялар ва микроб ценози асос қилиб олинди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда классик микробиология, молекуляр генетик, кимёвий, ҳамда биотехнологик усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат;

юқори уран концентрациясига чидамли маҳаллий бактерия штаммлари олинган ҳамда хужайраларнинг ИК-спектрлари асосида уран ионлари таъсирида хужайра моддалари таркибининг ўзгаришлари аниқланган;

биринчи марта Кокпатас кони маъданларуюмида суюқликда эритиб ажратиб олиш жараёнида микроблар хилма-хиллиги, термофил архейлар кўрсатилган, ушбу маъданнинг аншлифида сульфидларнинг микробиологик парчаланиш жараёни аниқланган;

биринчи марта сувда эрувчан полимерлар бактериал намлантирилган эритмаларда қўлланилганда, маъданга микроорганизмаларнинг бирикиши ошди ва шунга кўра олтинни ажралиши исботланган;

Кокпатас конида олтинсульфидли маъдан уюмини қайта ишлашга яроқлиги, шунингдек Қизилкум уран маъдани бактериал суюқликда эритиб ажратиб олиш учун уранли геологик жойлашиши аниқланган;

илк бор фойдаланишдан четга чиқарилган (яроксиз) скваженаларни бактериал эритма асосида бир мартали насос билан қайта ишлаш имконияти кўрсатилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: сульфид маъданларини суюқликда эритиб ажратиб олиш жараёнида микроорганизмлар сукцессияси аниқланди. Маъдан материалида микробиоценозлар бактериал суюқликда эритиб ажратиб олиш жараёнида маълум даражада ўзгаришларга чидамлилиги кузатилди;

маъданга полимерлар қўшимчаси қўшилиши бактерияларнинг бирикишини оширади ва шунингдек, минераларни парчаланиш даражасини оширади ва бу усулни тижоратга тадбиқ қилиниши яхши натижа беради;

Кокпатас конида сульфид маъдани биооксидлашнинг sanoat тажриба синовлари ўтказилди ва бактериялар ёрдамида бу кон маъданидан олтинни суюқликда эритиб ажратиб олиш учун фойдаланиш имкониятини кўрсатди;

Бешкак кони ер ости маъданидан ажратиб олинган урандан sanoat тажриба синовлари ўтказилди ва Кетмончи конининг қайта ишланган худудида ер ости уранни суюқликда эритиб ажратиб олишда кенг масштабли синовлари олиб борилганда бактерияларни қўлланилиши, қўшимча металл концентрацияси олинишига олиб келди, ҳамда кислоталар чиқими камайишини кўрсатди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Ҳар бир тадқиқот тажрибалари энг камида 3 маротабадан ўтказилганлиги, бу эса энг ишончли ва барқарор натижаларни ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш имконини берганлиги билан асосланган. Экспериментал маълумотларга статистик ишлов бериш, хато, ўртача, ишончилилик интерваллари, стандарт қочишларни

тегишли адабиётларда келтирилган йўриқномалардан фойдаланилган. Натижаларни статистик аҳамиятини аниқлаш учун, Стъюдентни Т-критерийсини ҳисоблаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ажратиб олинган маҳаллий фаол *A.ferrooxidans* K-1 штаммининг айрим хусусиятларини ўрганиш жараёнида плазмада мавжудлиги кўрсатилди, ўзгарувчан муҳит шароитида бу бактерия геноми сезиларли даражада беқарор ва ўзгарувчанлиги юқори потенциаллиги намоён қилди. Микроорганизмларни сукцессиясини суякликда эритиб ажратиб филтёрлаш, уларни олтинни уюмли жараёнда суякликда эритиб ажратиб олиш ва ер ости суялигидан урanni суякликда эритиб ажратиб олиш усулида энг яхши шароит танлашни кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган фундаментал натижалар келгусида, уларни уюм усулда кам сульфид маъданидан олтин олиш жараёни учун, ҳамда ер ости суялиги қайта ишланган урanni олиш учун микроорганизмлардан фойдаланиб мавжуд бўлган муаммоларни ечиш учун қўлланилади. Бизнинг Республикада бу технологияни тадбиқ қилиниши саноатда чиқиндилар ва кондиция бўлмаган маъданларни қайта ишлашга олиб келади, ҳамда атроф муҳитга - экологияга ижобий таъсир килади яъни ҳудудлар ва ер ости сувларининг ифлосланишини камайтиради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Геокимёвий фаол, адаптацияланган, турғун темир оксидловчи ацидофил *A.ferrooxidans* K-1 ассоциацияси Навоий кон металлургия комбинатида амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 28 октябрдаги 02-03-04/11672-сон маълумотномаси). Илмий натижада сульфидли маъданларга микроорганизмларни қўлланилиши сульфат кислотасининг ишлатилишини камайтириш ва металл ажратиб олиш фоизининг ошиш имконини берган. ГМЗ-3 (Учкудук) базасидаги Кокпатас конида сульфидли маъданларни биооксидланиши бўйича олиб борилган ярим саноат тажрибалари олтинни ажратиб олиш дастлабки 27,7% дан 53,76% гача ошишига хизмат қилди. Шу билан бирга, эксплуатациядан чиқарилган Кетмончи саноат ҳудуди қудуқларида ажратиб олинган ассоциация кенг масштаби қўлланилганда қолдиқ уран миқдорини ажратиб олиш ва микроорганизмларнинг табиий шароитларда ўстириш параметрларини аниқлашга имкон берди. Кетмончи конидаги қайта ишланган ҳудудида «пушпул» бирлаштирилган узлуксиз режимда ўтказилган саноат тажрибаси синовлари варианти натижаларига кўра, бактериялар металлни олиб чиқишини оширгани кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг асосий натижалари 20 илмий-амалий анжуманда, шу жумладан 12 халқаро конференция, конгрессларларда, хусусан, «Биология-наука XXI века»; Пушино мактабида 6-чи ёш олимлар конференцияси (Пушино, 2002); «Xth International Congress of Bacteriology and Applied Microbiology» халқаро

development” халқаро конгрессида (Москва, 2002); «Биотехнология и современность» халқаро форумида (Санкт–Петербург, 2003); «International workshop on biotechnology commercialization and security» халқаро симпозиумида (Tashkent, 2003); Ўзбекистон микробиологлари III ва V съезди (Тошкент, 2005, 2012), 16th International Biohydrometallurgy Symposium, (Cape Town, South Africa 2005); “Биотехнология: состояние и перспективы развития” халқаро конференциясида (Москва, 2007, 2009); XII. International Congress of Bacteriology and Applied Microbiology (Istanbul, 2008); «Проблемы современной микробиологии и биотехнологии» Республика илмий-амалий конференцияси (Тошкент, 2009); «Biotech 2011 & 5th Czech-Swiss Symposium with Exhibition» (Prague, 2011); «Микроорганизмы и биосфера – Microbios 2015» халқаро симпозиумида (Тошкент, 2015) апробациядан ўтган. **Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 86 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 28 мақола, жумладан 23 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 204 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Металларга филтрацион ишлов бериш ва ушбу жараёнларда иштирок этувчи микроорганизмлар»** деб номланган биринчи бобида сульфидли маъдан металлари бактериял суюқликда эритиб ажратиб филтрацион ишлов бериш тадқиқотларининг ҳозирги замон ҳолатини кенг таҳлил қилинди. Бу жараёнда иштирок этган микроорганизмларга тавсифи ва таърифи берилган.

Диссертациянинг **«Филтрацион ишлов бериш экосистемасини ўрганиш услублари ва геофаол микроорганизмларнинг хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобида суюқликда эритиб ажратиб филтрлаш микроб экосистемасини ўрганиш, урanni микроорганизмларга таъсири, ДНК плазмидаси аниқлаш, маъдан намуналари спектрал таҳлили, микроорганизмлар ИК-спекторлари услублари кўрсатилган. Кокпатас қони

тавсифа берилган.

Диссертациянинг «**Фильтрацион ишлов беришнинг микроб экосистемалари**» деб номланган учинчи бобида маъданли конларда микроб экосистемаси ва суюқликда эритиб ажратиб филтрлаш жараёни ўрганилган, ҳамда танланган геохимёвий фаол микроорганизмлар ассоциациясининг айрим хусусиятларини аниқлаш бўйича натижалар келтирилган.

Кокпатас маъданларида фильтрацион ишлов беришнинг микроб экосистемалари

Маъдан конлари кўпгина ўзига хос микроорганизмлар фаолияти учун экологик қулай шароит ҳисобланади. Маъданларнинг турли хил хусусиятларга эгаллиги, кўпгина кимёвий элементлар микдорининг мавжудлиги, кўпгина микроорганизмларнинг ривожланишини шунингдек, бу ерда кечадиган биогеохимёвий жараёнларнинг хилма хиллигини таъминлайди. Бу омилларни ҳисобга олиб, олтин маъданли Кокпатас конида тадқиқот ишлари олиб борилган.

Турли экологик шароитлардан олинган намуналарда микроорганизмларнинг тарқалиши таҳлил қилинганда, асосан органотрофлар доминантлик қилишини таъкидлаш мумкин, булар орасида *Bacillus* авлодига мансуб бактериялар устунлик қилади. Барча таҳлил қилинган намуналарда, органик моддалар оз бўлган концентрацияда ривожлана оладиган олигонитрофиллар максимал ҳолда аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

**Кокпатас конида маъдани ва сувида
микроорганизмлар миқдори (кл/г, мл)**

№	Микроорганизмлар ассоциацияси	Намуналар				
		Оқава су ^В	Пиритл и арсеноп т ири худ удлар ^И	Сульф идл ^И манба ^И	Бўш ту ^Р	маъданли су ^В Сульфидл ^И худудлар и ўтадига н оркал ^И
1.	Нейтрофилларни оксидлайдиган автотроф тиосульфат	2,5х10 ² 2	2,5х10 ³	-	-	2,5х10 ²
	Автотроф денитрификаторлар	2,5х10	-	-	-	2,5х10 ²
2.	Нейтрофилларни	2,5х10 ³	2,5х10 ³	-	6,0х10 ⁴	-

	оксидлайдиган миксотрофи тиосульфат					
3.	Сульфат оксидловчи ацидофиллар	-	- 2	- 2	-	$2,5 \times 10^2$
4.	Темир оксидловчи ацидофиллар	-	$2,5,0 \times 10$	$2,5 \times 10$	-	-
5.	Сульфатредукцияловчилар	- ₅	- ₃	- ₃	- ₄	-
6.	Аммонификаторлар	$3,4 \times 10_4$	$8,0 \times 10_2$	$3,6 \times 10_2$	$1,1 \times 10_3$	$2,5 \times 10^3$
7.	Денитрификаторлар	$1,1 \times 10_5$	$1,1 \times 10_3$	$2,5 \times 10_5$	$2,5 \times 10_5$	$2,5 \times 10^2$
8.	Олигонитрофиллар	$1,9 \times 10_3$	$8,7 \times 10_4$	$5,6 \times 10_3$	$2,1 \times 10_2$	-
9.	Микроскопик замбуруғлар	$2,5 \times 10$	$2,5 \times 10$	$2,0 \times 10$	$5,0 \times 10$	$3,5 \times 10^1$

Маъданнинг турига қараб микроорганизмларни қўллаган ҳолда, маъдани қайта ишлаш учун уюмли ёки ер ости суюқликда эритиб ажратиб филтрлашдан фойдаланилади. Бу иккала технологияни ҳам филтрашга киритиш мумкин, бунда эритма маъданнинг орасига сизиб кириши

12

кузатилади. Келтирилган натижаларга кўра, суюқликда эритиб ажратиб филтрлаш жараёнида микроб экосистемасини ўрганиш ва уларнинг сульфид минераллари ва металлларнинг оксидланишига боғлиқлиги катта қизиқиш уйғотади.

Минералларнинг биооксидланиши вақт мобайнида ўзгариб туриши билан характерланадиган гетероген муҳитда ҳавога тўйинган, намлантирилган уюмларда юз беради, бунинг натижасида турли хил микроорганизмлар катта миқдорда тўплamlар ҳосил қилади.

Майдонга тегишли микроорганизмлар сукцессиясини аниқлаш мақсадида, биз колонна шароитда маъданлар қатлами орасидан бактериал эритмалар ўтиши жараёнида микроорганизмлар таркибини таҳлил қилдик. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, маъдан материалнинг табиий микрофлораси бактериал суюқликда эритиб ажратиб олиш жараёнида бир қанча ўзгаришларга чидамлилиги аниқланди (2,3 жадвал).

Маъданларнинг рН ни туширишдан олдинги дастлабки микробиологик таҳлилида турли хил микроорганизмлар гуруҳи мавжудлиги, улар орасида гетеротроф бактериялар, тион тиосульфат оксидловчи микроорганизмлар кўплиги аниқланди. Дастлабки намуналарда ва бир текис рН ни тушириш жараёнида тион нейтрофиллар ва тион миксотроф микроорганизмлари

аникланди. Гетеротроф микроорганизмлар орасида *Bacillus*, *Pseudomonas*, *Arthrobacter* авлодларига мансуб бактериялар устунлик қилди, *Micrococcus* авлодига мансуб бактериялар кам миқдорда топилди. *Penicillium*, *Aspergillus*, *Mucor*, *Cladosporium* авлодига мансуб микроскопик замбуруғлар мавжудлиги кўрсатилди.

Эритмаларни pH 4 метёригача кислотлашда гетеротроф микроорганизмларнинг миқдори камайди, авлодлар таркиби ўзгарди – асосан *Bacillus*, *Pseudomonas* авлодига мансуб бактериялар вакиллари ва *Penicillium*, *Aspergillus* авлодига мансуб микроскопик замбуруғлар қолди. Кейинги кислоталашмикроблар туркуми кўринишини кескин ўзгартирди, бунда ацидофил тион микроорганизмлари устунликни эгаллади ва кам миқдорда гетеротрофлар, микроскопик замбуруғлар аникланди.

Физиологик фаол бирикмаларнинг кўпайиши натижасида кузатилган гетеротрофларнинг нобуд бўлиши майдаланган маъданлар юзасида ўзгариш содир бўлиши, кейинги сукцессия турларининг ўрнашиб олишига имкон берди. Бу ҳолатда маъданларни кислоталаш микроорганизмлар сукцессияси кейинги ацидофил тион микроорганизмлари доминат бўлишига олиб келди. Маъданга адсорбция қилинган *A. ferrooxidans* ҳужайра титри $2,5 \times 10^1$ дан 10^5 кл/мл/г гача, *A. thiooxidans* $2,5 \times 10^1$ дан 10^2 кл/мл/г гача ўзгарди. Кучсиз кислотали суюқликда эритиб ажратиб олиш шароитида аниқланган гетеротроф *Bacillus* авлодига мансуб микроорганизмлар, шунингдек айрим *Aspergillus* ва *Penicillium* авлодига мансуб микроскопик замбуруғлари ривожланиш динамикасида унча сезиларли бўлмаган ўзгаришлар кузатилди.

3-жадвал¹

2-жадвал¹

Г	Ча	1	1	м	-	м	2	-	-	1	-	-	-	-	8,
е	пе	5	6	и		и	5			7					8х
т	к	х	9	к		к	х			2					10
е		1	х	о		о	1			х					1
р		0	1	п		п	0			1					ми
о		5	0	п		п	1			0					кр
т			5	и		и	1			4					ос
р				к		к	1								но
о				з		з	1								пи
ф				а		а	1								к
л				м		м	1								за
а				б		б	1								мб
р				у		у	1								ур
				р		р	1								уг
				у		у	1								ла
				г		г	1								р
				д		д	1								

$3,6 \times 10^1$ микроскопи замбуруғлар¹

				а р		а р										
	Па р ^е	8 , 0 8 х 1 0 6	5 , 7 х 1 0 4	-	-	-	2 , 5 х 1 0 1	-	-	6 , 1 х 1 0 4	-	-	2 , 8 х 1 0 1	3 , 7 х 1 0 2	6, 9х 10 2	
	РП А	1 , 5 2 х 1 0 6	6 , 7 2 х 1 0 5	-	-	-	2 , 5 х 1 0 1	-	-	7 , 3 х 1 0 3	-	5 , 1 х 1 0 2	-	-	6, 4х 10 3	
Д е н и т р и ф и к а т о р л а р	Гет еро тро фл аР	6 , 0 х 1 0 3	6 , 0 х 1 0 2	2 , 5 х 1 0 1	-	-	-	-	-	а н и и к л а н м а г аН	-	-	-	-	ан и кл ан м аг аН	
	Ав тот ро фл аР	6 , 0 х 1 0 4	2 , 5 х 1 0 1	-	-	-	-	-	-	2 , 5 х 1 0 1	-	-	2 , 5 х 1 0 1	2 , 5 х 1 0 1	2, 5х 10 1	
Миксот рофлаР		2 , 5 х 1 0 7	м и к р о с к о п и к	2 , 5 х 1 0 3	2 , 5 х 1 0 3	6 , 0 х 1 0 2	2 , 5 х 1 0 2	-	-	2 , 5 х 1 0 1	-	2 , 5 х 1 0 1	2 , 5 х 1 0 1	2 , 5х 10 1	ан и кл ан м аг аН	

			з а м б у р у ф л а р , 1 0 5												
А в т о т р о ф л а р	Ти осу ль фа т окс ид ла ни шН	б , 0 х 1 0 3	а н и к л а н м а г а н	-	-	-	-	-	6 , 0 х 1 0 3	2 , 5 х 1 0 3	2 , 5 х 1 0 3	2 , 5 х 1 0 3	2 , 5 х 1 0 3	2 , 5 х 1 0 2	ан и кл ан м аг аН
	окс ид ла ни шН Су ль фа т	а н и к л а н м а г а н	а н и к л а н м а г а н	-	-	-	2 , 5 х 1 0 2	2 , 5 х 1 0 2	2 , 5 х 1 0 2	н / о	-	6 , 0 х 1 0 1	-	-	ан и кл ан м аг аН
	м ў ъ т а д и л те	-	-	-	6 , 0 х 1 0 1	-	2 , 5 х 1 0 2	2 , 5 х 1 0 2	-	-	-	6 , 0 х 1 0 3	6 , 0 х 1 0 3	6 , 0 х 1 0 4	6, 0х 10 4

1,7x10¹

Бактериал суюқликда эритиб ажратиш ва
рН тушириш жараёнида
микроорганизмлар суксессияси (БСЭА)
(каттик намуна, устки сегменти)

* *Ferroplasma* авлодига мансуб
микроорганизмлар аниқланди.

Г	П	8
е	а	,
т	р	0
е		8
р		х
о		1
т		0
р		6

ЧапеК		
лаР		
о ф		
	Р П А	1 , 5 2 х 1 0 6
Д е н и е т р и т ф и к а л т о р л а Р	Г е т е х р о т р о ф л а р	6 , 0 х 1 0 2
	А в т о х т р о ф л а Р	6 , 0 х 1 0 4
Микс отроф лаР		2 , 5 х 1 0 7

			з а м б у р у ғ л а р		з а м б у р у ғ л а р
А в т о т р о ф л а р	Т и н и с у л ъ ф ф а т о к с и д л а н и ш н	а , 5 х 1 0 2	2 , 5 х 1 0 2	2 , 5 х 1 0 1	2 , 5 х 1 0 1
	о к с и д л а н и ш	а н и к л а н м а г	а н и к л а н м а г	2 , 5 х 1 0 1	- - -

	и С у л ь ф а т	а н
	А ц и д о ф и л м ў ь т а д и л т е р м о ф и л	-

	А . f e r r o o x i d a n s	намуна, пастки сегменти)
	рН	~ 8 , 0
	Сутк ^а	Д а с т л а б к и

БСЭА ва рН тушириш жараёнида
 микроорганизмлар сукцессияси (каттик


* *Ferroplasma* авлодига мансуб
 микроорганизмлар аниқланди.

14

Шуни таъкидлаш керакки, суюқликда эритиб ажратиб филтрлаш жараёнида микроблар туркумининг ўзгариши барча колонка устунлигида содир бўлди. Эритманинг маъдан орқали ўтиш жараёни шароитга боғлиқ ҳолда, худди киритилган консорциум устки ва пастки колонка қисмларида қайтадан тақсимланаётгандек содир бўлиши аниқланди. Бунда *A.ferrooxidans* микроорганизмлари устунлик қилди.

Уюмли суюқликда эритиб олиш модел тажрибасида абориген популяциясининг микробиологик таҳлилига кўра, бу ерда турли хил ацидофиллар нисбатан кўп учраши мумкин. Биоуюмнинг *A.ferrooxidans*, *A.thiooxidans* культуралари аралашмаси ва бошқа ўхшаш бактериялар билан инокуляция қилиниши мумкинлигига қарамай, уюмнинг шу қисми, қайсики шу бактериялар учун ҳарорат оптимумининг ошишида бошқа микроб флорасига эталиги кузатилди. Уюмда турли хил архей турлари ва сульфобацилларга ўхшаш экстремофил колонияларини ҳосил қилади (1,2

расм.).



бактерия хўжайрасининг

1-расм. Термофил

электрон микрофотографияси (x11400) 2-расм. Суюқликда эритиб ажратилган эритмада *Sulfobacillus sp.* хўжайрасининг электрон микрофотографияси (x22000)

Уран кони микрофлораси

Ишлаб чиқиладиган уран конларида микроблар туркуми ривожланишини ўрганиш мақсадида, Кетмончи кони суюқлигидан олинган кернлар (ер ости суюқлигидан олинган тупроқ ёки жинс намунаси), ҳамда ушбу коннинг қатлам суви текширилди.

4-жадвал

Кернлар ва тозаланган сувлар микробиологик текширувлари

N намуна	Микроорганизмлар микдори, кл/мл, ГБаалсруда 9К Маннингга Летена Лондона Постгейта
Керн 5	Гильтая РПА $2,5 \times 10^2$ - - 7×10^3 $2,5 \times 10^3$ $2,5 \times 10^2$ - - $2,5 \times 10^2$ $2,5 \times 10^3$ - $2,5 \times 10^2$
Керн 6	$3,7 \times 10^4$
Керн 7	- $2,5 \times 10^3$ - $2,5 \times 10^3$ $2,5 \times 10^2$ - - $4,6 \times 10^5$ - $2,5 \times 10^3$ $2,5 \times 10^3$ 7×10^2 $2,5 \times 10^2$ - - $7,9 \times 10^5$
Керн 8	2×10^2 - $2,5 \times 10^2$ - 7×10^3 - $2,5 \times 10^3$ $7,8 \times 10^5$
Тозаланган сув	
9	

Геохимёвий фаолияти характериға кўра, кон микрофлорасини ўзига хос ва ўзига хос бўлмаган хусусиятларга ажратиш мумкин. Ўзига хос хусусиятли микрофлораға тион ацидофиллари, ҳамда тион нейтралларини киритиш мумкин. Ушбу худуд микроб экосистемаларини кўриб чиқиб, шуни

15

таъкидлаш керакки, темир ва олтингугурт оксидловчигеохимёвий фаол микроорганизмлар, фақатгина айрим намуналардагина ва кам микдорда аниқланди. Ўзига хос хусусиятли микроорганизмлардан органик қўшимчалар иштирокида тиосульфатни оксидлаш хусусиятига эга миксотроф микроорганизмлар мавжудлигини таъкидлаш керак. *Thiobacillus denitrificans* туриға мансуб бактериялар кам микдорда ажратиб олинди. Анча кўп микдорда органотрофлар, ҳамда микроскопик замбуруғлар аниқланди.

Урантаркиблимаъданни суюқликда эритиб ажратиб фильтрлашда

микробиоталарни ўрганиш

Маълумки, ер остида суюқликда эритиб ажратиш олиш, комплекс ҳосил қилувчи реагентлар (кислотали ва ишқорли) ва оксидловчи компонентлар (кислород ва перекис водород) қўшилиши билан содир бўлади. Барча турдаги суюқликда эритиб ажратиш олиш микробиотасини ўрганиш, микроорганизмларни урanni ерости суюқликда эритиб ажратиш олишда қўллаш имконияти мавжудлиги катта қизиқиш уйғотади.

Ўтказилган тадқиқотлар, тортиб олинган эритмаларга ҳаво юборишда тион бактериялар устунлигини кўрсатди, олигонитрофилларга мансуб микроорганизмлар миқдори ошди, ҳамда *Pseudomonas* турига мансуб бактериялар ажратиш олинди. Бунда, миксотроф тион бактериялар ва гетеротроф микроорганизмлар, ҳамда микромицетлар орасида устунлик қилган *Aspergillus*, *Penicillium* авлодига мансуб замбуруғлар ривожланишининг жадаллашуви юз берди. Бу эритмалар *T. denitrificans* турига мансуб микроорганизмлар мавжудлиги билан характерланади.

Ҳаво юборилмаган шароитда тортиб олинган эритмаларнинг микроб биоталари ривожланиши таҳлил қилинганда, микроорганизмлар сони сезиларли даражада камайгани ва улар миқдори экологик аҳамиятга эга эмаслиги кузатилди. Тадқиқотларда тортилган эритмаларда реагентсиз суюқликда эритиб ажратиш, ҳаводан кислород берилиши уюмдан тортилган урanni олиб чиқишини жадаллаштиради, ҳамда тион нейтрофиллар гуруҳига мансуб ва *Pseudomonas* авлодига мансуб бактериялар, микроорганизмлар ўсишини сезиларли даражада қўпайишига олиб келади (3-расм).

Маълумки, қўпгина микроорганизмлар қисқа занжирли органик кислоталарни ва ўзига хос-элемент лигандаларни ишлаб чиқаради, улар рН муҳитини ўзгартириши ва хелатларни синтезлаши мумкин, маъданларнинг майда зарраларимикдори таркибидаги қўпгина элементларни суюқликда эритиб ажратишнинг ошишига олиб келади. Урanni ажратиш олиш, шубҳасиз, пиовердин хелатларининг маҳсулидир, қайсики типик лиганда, псевдомонанд маҳсули бўлиб, ҳисобланади.

Ушбу гуруҳ микроорганизмларининг интенсификацияси фаолияти эритмада ураннынг концентрацияси ошишига имкон беради.

16

хўжайралар миқдори⁵

4

Ig
6

4,91

4,25

5,6

4,88


3,6 3,6

1

2,6 2,6

3


2



ҳаво бериб тортиб олинган эритма ҳаво бермасдан тортиб олинган эритма

3-расм. Реагентсиз тортиб олинган эритма суюқлигидан эритиб ажратиб олинган микроорганизмлар

Ер остида кислотали суюқликда эритиб ажратиб тортиб олинган эритмаларнинг барча ўрганилаётган намуналарида *A.ferrooxidans*, *A.thiooxidans* нинг доминантлиги ва эритмаларда кислотанинг меъёри ошиб борганда уларнинг микдори ортиши кузатилди (4-расм).



S.Thermosulfidooxidans A.ferrooxidans A.thiooxidans МПА Тионо Тион

pH 2,85 pH 2,58 pH 2,15 денитрификаторлари тиосульфатоксидловчи

4-расм. Ер остида кислотали суюқликда эритиб ажратиб тортиб олинган эритмаларда микроорганизмлар сони

Шунингдек, колдикэритмаларда *Aspergillus*, *Fusarium* ва *Penicillium* авлодига мансуб деб топилган микроскопик замбуруғлар ажратиб олинганини таъкидлаш керак.


Шундай қилиб, реагентсиз ёки кислотали ҳолда ер остида суюқликда эритиб ажратиб тортиб олинган эритмаларда микроорганизмларнинг ривожланиши таҳлил қилинганда турли хил микроорганизмлар гуруҳлари мавжудлиги аниқланди.

A.ferrooxidans бактериясининг ўсиши ва ривожланишига металллар ионларининг таъсири

Суюқликда эритиб ажратиб тортиб олиш жараёнида эритмага маъданлардан металлларни бактериологик суюқликда эритиб ажратиб тортиб

таъсир килувчи металллар ўтади.

A.ferrooxidans микроорганизмлари, айниқса таркибида темир миқдори юқори бўлган эритмаларга чидамли. Бироқ, суякликда эритиб ажратиб олиш жараёнида, темир ионларининг таркиби, культуранинг нормал ҳаётчанлигига мос концентрациясидан сезиларли даражада ошиб кетишимумкин. Биз бирин-кетин мослаштириш усули орқали, Fe^{3+} 30 г/л ва ундан ортиқ бўлган эритмада фаол ўсиш қобилиятига эга культуралар олишга эришдик (5-расм).



5-расм. Юқори концентрацияли темир эритмаларида сақлангандан сўнг, *A.ferrooxidans*(1–К-1;2–КСБ;3 – 3-9М; 4 – В-12) нинг турли штаммларида темирнинг оксидланиши

Шунингдек, *A.ferrooxidans* К-1 саноат штаммининг ўсиши ва ривожланишига олтин ва кумуш ионларининг таъсири ўрганилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, таркибида 100 мг/л кумуш ва 2,5 мг/л олтин аралашмаси бўлган эритмалар микроорганизмларнинг ўсиши ва ривожланишини шу билан бирга оксидланиш фаоллигини ҳам батамом тўхтатди.

9К озук муҳитига 60 мг/л уран ионлари қўшилиб, *A.ferrooxidans* К-1 штаммининг ўсишига уран ионларининг таъсири, ушбу концентрация бактерияларнинг ривожланишини тўхтатмай, балки бир оз даражада уларнинг ўсишини стимуллашини кўрсатди. Бундан кейинги озук муҳити таркибида уран ионларининг миқдори 100 мг/л гача оширилиши *A.ferrooxidans*К-1штаммининг ўсишига негатив таъсир кўрсатади. Тажиба вариантида ўстиришнинг учинчи суткасида хужайралар сони $6,0 \times 10^4$ кл/мл га камайди ва фақат 6 суткада хужайралар сони назоратда ўсган микроорганизмлар миқдори билан тенглашди (6-расм).

Маълумки, оғир металл ионларига нисбатан микроорганизмларнинг турғунлиги плазмидлар мавжудлиги билан аниқланади. Плазмидларнинг трансмиссив ролидан келиб чиқиб, тахмин қилиш мумкинки, турли бактерияларда металл ионларига турғунлик кенг тарқалган адаптив хусусиятлардан бири ҳисобланади. Бироқ, *A.ferrooxidans* генетик тадқиқотлар учун мураккаб объект ҳисобланади. Rawlings D.E.

хаммуаллифлар билан бирга, *A.ferrooxidans* нинг генетик системасини

ўлчамига, генетик элементларнинг бор ёкийўқлигига қараб штаммларнинг хилма – хиллигини аниқлаганлар, улар яшаш муҳитининг ўзгаришларига мослашишда рол ўйнайди.

Таркибида 100 мг/л уран бўлган озуқа муҳитига мослашган *A.ferrooxidans* К-1 штаммидан ДНК плазмидасини ажратиб олиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида Rf 0,07 мегаплазмидаси табиий ҳамда уран ионларига мослашган *A.ferrooxidans* штаммларида мавжудлиги аниқланди. Ҳамда қуйи молекуляр плазмидаларнинг Rf 0,24 мм 5,8 т.п.н., мавжудлигианиқланган, унинг пайдо бўлиши уран ионларининг таъсиридан далолат беради.


Концентрация Fe(III), г/л

1 2 3 4

хўжайра микдори, lg

16

8



14

7

12

6

10

2

2

1

0

0

0123456

Вакт, сутка

6-расм. *A. ferrooxidans* K-1 штаммининг таркибида 100 мг/л уран бўлган озука муҳитидаги геохимёвий фаоллиги: 1- назоратдаги оксидланган темирнинг концентрацияси; 2- уранли озука муҳитида оксидланган темирнинг концентрацияси; 3- назоратда микроорганизм хужайраларининг миқдори; 4- уранли озука муҳитида микроорганизм хужайраларининг сони; 1 –назорат ва тажриба орасида темир таркиби бўйича аниқ фарқнинг борлиги


A. ferrooxidans K-1 бактериясининг хужайраларида уран ионлари таъсирида содир бўлаётган ўзгаришларни таҳлил қилиш учун, биз мураккаб биологик системаларни ўрганишда ва хужайраларни киёсий ўрганишда фойдаланадиган тебранма спектроскопия усулини қўлладик.

Спектрал эгри чизик кўриб чиқилганда таркибида уран ионлари бўлган озука муҳитида ўсган бактерия хужайраларининг, антисимметрик валентли тебранишлар чизикларида CH дан CH_3 -группаларга ва симметрик валентли тебранишларда эса, CH дан CH_3 - ва CH дан CH_2 -группаларга (2850 см^{-1}) интенсивлигининг кучайиши аниқланди (7-расм).

Таркибида $1130\text{--}1070 \text{ см}^{-1}$ уран ионлари бўлган озука муҳитларида ривожланган бактерия хужайраларининг интенсивлиги пасайиши кузатилди, бу полифосфатлар даражасининг камайишини тасдиқлаши мумкин.

Шундай қилиб, танлаб олинган фаол *A. ferrooxidans* K-1 культураси темири юкори тезликда оксидлаш ва эритмада кўп миқдорда турли хил металл ионларига чидамлилик хусусиятига эга.

19



2

1

7-расм. *A. ferrooxidans* бактерия хужайраларининг 9К озука муҳитида (1) ва таркибида 100 мг/л уран бўлган озука муҳитларидаги (2) ИК–спектори

Бунда, бундай ноқулай шароитларда ҳам ушбу культуранинг оксидланиш фаоллиги камаймайди ва бу *A. ferrooxidans* K-1 культурасидан саноат шароитида фойдаланиш учун ижобий омил ҳисобланади.

Диссертациянинг «Олтин таркибли маъданларнисуюқликда эритиб ажратиб олиб филтрлаш» деб номланган тўртинчи бобида олтин таркибли маъданларнисуюқликда эритиб ажратиб олиб филтрлаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Суюқликда эритиб ажратиб олиш жараёнига полимерлар таъсирини

Ўрганиш

Майдаланган маъданни суюқликда эритиб ажратиб олиш одатда, эритмаларни филтрашнинг текис кетишига ҳалақит беради ва бу олтин олиш даражасининг камайишига олиб келади. Фракциялар мавжудлиги, ҳамда кўп микдордаги майда фракциялар, маъданларнинг текис таҳланишига ҳалақит беради. Уюмларни суюқликда эритиб ажратиб олиш жараёнида маъдан материалнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, аввалдан уларни агрегациялаш қўлланилади.

Brierley ҳаммуаллифлар билан бирга майдаланган маъдан ва хужайраларни агрегация қилиш учун синтетик полимердан фойдаланган, бу таркибда 2,5% камрок карбонат таркибли маъданлар ва микроорганизмларни агрегация қилиш усулини яратишга сабаб бўлди. Кўп микдорда карбонат таркибли маъданлар учун эса, аввал уларни кислота билан эритиб, сўнгра эритмага микроорганизмлар қўшилади.


Биз ЎзР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти томонидан тақдим этилган полимерларни ўргандик. Бактериянинг культурал суюқлигида эрувчи полимерларни топишга қаратилган тажрибалар, уларнинг микроорганизмлар ҳаёти фаолиятига ва геохимий фаоллигига таъсири, бактерияларни маъданларнинг ташқи қисмига бирикиш (биокапсула) даражасини ошириши поливинил асосида полимер танлаб олиш имконини берди.

Маъданга тажриба намуналарига полимер қўшиб олиб борилган микробиологик таҳлил килинганда, назорат вариантыга нисбатан (фақат

20

бактерияли эритма билан), бактерия + полимер вариантыда маъданларнинг агрегацияси анча интенсив равишда содир бўлади (8-расм).

Бакт.раствор без полимера 0,10% 0,05%



8-расм. Маъдан ва микроорганизм хужайраларининг агрегацияланишига Р 10 полимерининг таъсири

Лаборатория тажрибаларида полимерлардан фойдаланиш, олтинни 8-10% га кўпроқ ажратиб олиш имконини берди. Шубҳасиз, биокапсулалашнинг афзаллиги намлантиришнинг дастлабки даврида

сульфидли минераллар юзасида микроорганизмлар адсорбциясини оширади, микроорганизм-полимер-маъдан тизимида полимер юзаси структураси орасида ва минералларнинг кристалл панжарали элементига эга бактериялар орасида ўзаро кимёвий алоқа ҳосил бўлиши билан боғлиқ.

Уюмли суюқликда эритиб ажратиб филтрлашнинг лаборатория тажрибалари Кокпатас олтин конидан олиб келинган намуналарда ўтказилди. Маъдан 20 мм гача майдаланди. Ушбу маъданнамунасирационал анализ қилинганда, пирит ва арсенопирит таркибида олтин миқдори 33% ни ташкил этиши маълум бўлди. Бу кон маъданлари учун пирит (2,95%) ва арсенопирит (1,87%) га эга бўлган сульфид минералларининг устунлиги характерли бўлиб, айнан шу минераллар олтиннинг асосий концентраторлари ҳисобланади.

Лаборатория тажрибаларида, оксидланиш фаоллиги 100 суткада максимал даражага(25г/л) етиши аниқланди (9-расм). Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, Fe (III) 18-20 г/л га етганда бактерияларнинг ўсиши ва геохимёвий фаоллигига якуний маҳсулотнинг чеклов таъсирини камайтириш учун биз эритмани қисман алмаштириб турдик.

